

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ “МАҚСАД-ЖАРАЁН-НАТИЖА” ЗАНЖИРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИШ МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

З.У. Мухаммадиев – СамИСИ “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти в.б., и.ф.ф.д., PhD

***Аннотация:** Мақолада аудиторлик текширувини янги метод бўйича ўтказишнинг хусусиятлари улар ҳисобини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:** аудит, аудиторлик текшируви, аудиторлик модели, модернизация, модернизация жараёнлари.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются особенности проведения ревизий по новой методике и вопросы совершенствования их учета.*

***Ключевые слова:** аудит, аудиторский проверок, модель аудита, модернизация, процессы модернизации.*

***Abstract:** The article examines the features of auditing according to the new method and issues of improving their accounting.*

***Keywords:** audit, audit checks, audit model, modernization, modernization processes.*

Мамлакатимизда корхоналарни модернизациялаш бўйича аудитнинг ахборот фойдаланувчилар, чунончи ички ва ташқи инвесторлар талабларига жавоб берувчи яхлит самарали модели тўлиғича шаклланган эмас. Амалиётда ўтказилаётган мажбурий ва ташаббус тарзидаги ташқи аудитда, шунингдек ички аудит хизмати томонидан олиб борилаётган текширувларда корхоналарни модернизациялаш жараёнларига чуқур эътибор берилаяпти деб бўлмади.


Корхоналарни инвесторлар томонидан модернизациялаш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот ахборотлари комплекслиги ва реаллигига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, корхоналарни модернизациялаш аудитини “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, ўтказилаётган аудитнинг хоҳ комплекс аудит, хоҳ тематик аудит бўлишидан қатъий назар, уларда корхоналарни модернизациялаш аудитига махсус модел мақомини бериш мақсадга мувофиқ. Биз ушбу моделни шартли равишда “Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели” деб номладик. Ушбу моделнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган таркибий тузилиши 1-расмда келтирилган.


Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган модели, расмдан кўриниб турибдики, таркибан 3 та блокни ўз ичига олади. Булар: 1-блок “Корхоналарни модернизациялаш бўйича текширув предмети ва объектлари”; 2-блок “Корхоналарни модернизациялаш

бўйича текширув дастаклари, усуллари ва ахборот таъминоти” 3-блок “Корхоналарни модернизациялашни аудит текширувидан ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва муҳокама қилиш”.

Тадқиқот натижалари бўйича моделнинг 1-блоки корхоналарни модернизациялаш бўйича “мақсад-жараён-натижа” занжирининг ҳар бир ҳалқасига кирувчи аудит текшируви объектларини ўзида мужассамлаштиради. Чунончи, “Мақсад” ҳалқаси корхоналарда модернизациялаш бўйича режалаштирилган лойиҳаларни, “Жараён” ҳалқаси модернизациялаш лойиҳаларини ҳақиқатда амалга ошириш жараёнларини, “Натижа” ҳалқаси эса модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишдан олинган натижаларни акс эттиради.

«Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели





1-расм. Аудиторлик текширувини “мақсад-жараён-натижа” занжири бўйича ўтказиш моделининг таркибий тузилиши

Маълумки, мақсад сифатида модернизациялаш корхоналарни барқарар ва жадал ривожланишига эришиш учун унинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш қувватларини, шунингдек бошқарув тизимини фан ва технологиялар ютуқлари асосида тубдан янгилаш, замонавийлаштириш ва мукамаллаштиришни англатади. Ушбу мақсад аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи модернизациялаш лойиҳаларида ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделimiz 1-блокининг “Мақсад” халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидаги модернизациялаш лойиҳаларини киритдик: 1.Капитал курилиш лойиҳалари; 2.Реконструкция ва кенгайтириш лойиҳалари; 3.Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа асосий восита (АВ)ларни харид қилиш лойиҳалари; 4.Номоддий актив (НА)ларни яратиш ва харид қилиш лойиҳалари.

Юқорида номлари келтирилган модернизациялаш лойиҳалари корхоналарни модернизациялашга оид ўзига хос режалари бўлиб ҳисобланади. Улар корхонада модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни ифода этади. Шу боис, “Мақсад” халқасида ҳар бир лойиҳа бўйича аудиторлик текширувларининг объектлари сирасига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни лозим деб ҳисоблаймиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Корхоналарни модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими¹

Т/р	Кўрсаткичлар
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш коэффиценти
2	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши коэффиценти
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (эҳтиёж) даражаси

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

5	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (эҳтиёж) суммаси
---	---

Жараён сифатида корхоналарни модернизациялаш маълум давр мабойнида корхоналарда таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш қувватларини, шунингдек бошқарув тизимини фан ва технологиялар ютуқлари асосида тубдан янгилаш ва замонавийлаштириш бўйича ҳақиқатда қилинган ишлар мажмуасини, шунингдек уларга ажратилган капитал инвестицияларни реал ўзлаштирилишини ифодалайди. Ушбу жараён модернизациялаш лойиҳалари ҳақиқатдаги ижросини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларда ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделимиз 1-блокнинг “Жараён” халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагини киритдик: 1.Капитал қурилиш ишларининг бажарилиши; 2.Реконструкция ва кенгайтириш ишларининг бажарилиши; 3.Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВларни харид қилиниши;4.НАларни яратилиши ва харид қилиниши

“Жараён” халқасида ҳар бир лойиҳа кесимида аудиторлик текширувларининг объектлари сирасига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни ҳамда уларни қуйидагича ҳисоб- китоб қилишни лозим деб ҳисоблаймиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Корхоналарда модернизациялашни ҳақиқатда амалга оширилганлигини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими²

Т/р	Кўрсаткичлар
1	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси
2	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси
3	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси
4	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига номоддий активларнинг янгиланиш даражаси
5	Таъминот жараёнини модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
6	Ишлаб чиқаришни модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
7	Сотиш жараёнини модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

8	Бошқарув жараёнини модерни-зациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал инвестициялардаги улуши
9	Турли бошқа жараёнларни модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал инвестициялардаги улуши

Натижа сифатида корхоналарни модернизациялаш уларда янги моддий ва номоддий активларни, чунончи замонавий меҳнат қуроллари ва воситалари, техника ва технологиялар, дастурий таъминотлар, усул ва услубларни вужудга келишида, шунингдек ушбу активлар асосида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, фойда, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичларни сезиларли ошишида намоён бўлишида ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделimiz 1-блокининг “Натижа” халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагини киритдик:

1. Янги бино ва иншоотлар кирими;
2. Реконструкция ва кенгайтирилган объектлар кирими;
3. Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВлар кирими;
4. Янги НАлар кирими.

“Жараён” халқасида аудиторлик текширувлари объектлари сирасига корхонада модернизациялаш эвазига олинган янги моддий ва номоддий активлар қиймати, шунингдек модернизациялаш самарадорлигини ифодаловчи қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Корхоналарни модернизациялаш натижаларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими³

Т/р	Кўрсаткичлар
1.	Кирим қилинган янги бино ва иншоотлар қиймати
2.	Реконструкция ва кенгайтирилган объектларнинг кирим қиймати
3	кирим қилинган янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВларнинг қиймати
4	Кирим қилинган янги номоддий активлар қиймати
5	Меҳнат унумдорлигининг ошиши
6.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши
7	Сотиш ҳажми (даромад)нинг ошиши
8	Маҳсулот сифати ва экспортбоплигининг ошиши
9	Бир бирлик маҳсулот таннархининг пасайиши
10	Соф фойданинг ошиши
11	Асосий воситалар қайтимининг ошиш
12	Асосий воситалар сиғимининг камайиши

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделнинг 2-блоки текширув дастаклари, усуллари ва ахборот таъминотини ўзида мужассамлаштиради. Бунда аудиторлик текшируви дастаклари деганда унинг режаси ва тастури тушунилади. Мазкур дастаклар, юқорида таъкиланганидек, яхлит комплекс аудит режаси ва дастурининг таркибий қисмлари сифатида ёки махсус савол (тематик) аудитнинг режаси ва дастури сифатида тасдиқланиши керак. Корхонани модернизациялаш бўйича аудиторлик текшируви режаси ва дастури биз томонимиздан тавсияэтилаётган модулнинг 1-блокига киритилган “мақсад-жараён-натижа” занжиридаги барча объектларни ўзида мужассамлаштириши лозим деб ҳисоблаймиз. Айнан шундай режа ва дастурнинг мавжудлиги корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири бўйича яхлит ва атрофлича аудиторлик кўригидан ўтказиш имконини беради.

Корхоналар модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжирида аудиторлик текширувидан ўтказиш текширувнинг умумтан олинган усулларида ташқари ўзига хос усулларни қўллашни тақоза этади. Бундай усуллар бўлиб, чунончи, кузатиш, экспертиза, бюджетлаштириш, меъёрлаштириш, ҳужжатлаштириш, гуруҳлаш, жамлаш, таққослаш, таҳлил ва турли таъриф ва расценкаларни қўллаш ва бошқалар ҳисобланади.

Корхоналар модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжирида аудиторлик текширувидан ўтказишда турли ахборот манбаларидан фойдаланилади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагилар киради: инвестиция лойиҳалари, хўжалик шартномалари, молиявий ҳисобот, бош китоб, журнал-ордерлар, қайдномалар, моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари, турли бошланғич ҳужжатлар.

Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделнинг 3-блоки бевосита текширувларни ўтказиш, улар натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, шунингдек аудит натижаларини корхоналар амалиётига тадбик этиш муолажаларини ўз ичига олади. Мазкур муолажалар биз томонимиздан тавсия этилаётган модулнинг 1-блокига киритилган “мақсад-жараён-натижа” занжиридаги барча объектлар бўйича ўтказилиши лозим.

Биз корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг тавсия этилаётган моделни “Самарқанд-Парранда” АЖ амалиётида қўллашга ҳаракат қилдик. Ушбу АЖ бўйича модернизациялаш ва унинг натижавий кўрсаткичларига биз томонимиздан шакллантирилган аудиторлик баҳосини 4-жадвалда мужассамлаштирдик.

4-жадвал

**“Самарканд-Парранда” АЖда 2018 йилда амалга оширилган
модернизациялаш жараёнлари ва улар натижаларининг ҳолатига
аудиторлик баҳоси⁴**

Т/ р	Кўрсаткичлар	Меъё- рий миқдор (режа)	Эри- шил- ган миқ- дор	Аудиторлик хулосаси ва тавсияси
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситаларнинг эскириш даражаси (Эдж), %	50	71,0	Салбий, АВ эскириш даражаси юқори, уни янгилаш эвазига пасайтириш зарур
2	Ўтган ҳисобот йил охирига номоддий активларнинг эскириш даражаси (Эдж), %	50	0	Салбий, янги НАларга инвестициялар кири-тиш чораларини кўриш лозим
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши (ТКИк), минг сўм	0	0	Салбий
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (Ммд), млн сўм	6587	0	Салбий, талаб миқ-доридаги маблағ-ларни топиш зарур
6	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб суммаси (Мски), млн.сўм	0	6587	Ички ва ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиш лозим
7	Ҳисобот йилида модернизация-лашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси (Ткис), минг сўм	0	0	Салбий, модернизациялаш мавжуд эмас
8	Ҳисобот йилида модернизация-лашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси (МСжкис), минг сўм	-	27500	Капитал инвестициялар ҳажми кам
9	Ҳисобот йилида модернизация-лаш эвазига асосий восита-ларнинг янгиланиш даражаси (АВяд), %	10	5	паст даражада, уни 50 %гача ошириш лозим
10	Ҳисобот йилида модернизация-лаш эвазига номоддий актив-ларнинг янгиланиш даражаси (НАяд)	0	0	йўқ, кескин чора кўриш лозим
11.	Ишлаб чиқаришни модерниза-циялашга капитал инвести-цияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши (ЖКИу), %	10	3	50 %гача етказиш лозим
12.	Меҳнат унумдорлигини ошиши (ΔМу), %	5,0	2,0	Кўрсаткичлар ҳолати коникарсиз, уларни ошириш бўйича
13.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг	5,0	2,0	

⁴ “Самарканд-Парранда” АЖ маълумотлари асосида тадқиқотлар ишланмаси.

	ошиши(ДИчх), %			кескин чоралар кўриш ЛОЗИМ
14	Сотиш хажми (даромад)нинг ошиши (ΔСд), %	5,0	3,0	
15	Маҳсулот сифати ва экспорбплигининг ошиши (ΔЭс), %	5,0	1,0	
16	Бир бирлик маҳсулот таннархининг пасайиши (ΔТх), %	5,0	7,0	
17	Соф фойданинг ошиши (ΔСф), %	5,0	0,6	
18	Асосий воситалар қайтимининг ошиш (ΔФқ), %	3,0	0,2	
19	Асосий воситалар сиғимининг камайиши (ΔФс), %	3,0	0,2	
20	Асосий воситалар рентабеллигининг ошиши (ΔФр), %	3,0	0,2	

Фикримизча, корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг тавсия этилаётган моделини ҳам ташқи, ҳам ички аудиторлар томонидан барча мақомдаги субъектларда қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ

1. O'Ktarnovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пулатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пулатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Вахромович, У. К. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.